

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Хазорасп тумани

«04» Октябр 2022 йил

Хазорасп тумани мактабгача талим булими кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номидан низом асосида иш күрүвчи **X Абдурасулов** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **“Сайхун күрилниш” ХК** помидан низом асосида иш күрүвчи С.Худайберганов иккинчи томондан «Хазорасп тумани мактабгача талими булимига карашли I-сон МТТ биносини жорий тамирлаш учун» мазкур пудрат шартномасини түздишар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

- ижро түжжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилген узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклиги түгрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курнишинга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаритпода кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқлаш бошкада хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланғандыгы түгрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралык даврда кабул килиниши түгрисидаги далолатномалар, монтаж килингандыгы асбоб-ускуналарнинг якка тартибдеги синоним түгрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курниш нормалари ва коидаларнда назарда тутилган бошкада хужжатлар;
- курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилген ер участкаси. Объектнинг курилиши майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага муофик белгиланадиган болпек белгилар билан белгилаб куйилади;
- вактингчалик ишшоотлар – Пудратчи томонидан курилиши майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай түндаги вактингчалик бинолар ва ишшоотлар;
- беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилғандан кейин апикалаш мүмкун булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- шартнома нархини булиб чикиши – ишларнинг ҳар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик Хазорасп тумани мактабгача талими булимига карашли 1-сон МТТ биносини жорий тамирлаш буйича кузда тутилган лойиха хужжатлари буйича мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий тәъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шаронтлар яратиш, уларни кабул килиш ва туювни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошкада харражатларини уз ичига олган холда жорий нархларда **202 000 000** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мүмкун эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булгандан;
 - ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
 - объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатта узгартирилганда.
5. Курилиши муддати бир йилдан ортик булгандан иккичи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатиарида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегинсли асослар мавжуд булгандан, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-илювага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килингандык кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
 - курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини стказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни тәъминлайди;
 - курилиш майдони худудида вактингчалик ишшоотлар куриши;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавтуси, субпудратчининг номи ва манзили түгрисида хабардор килиш;
 - курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дараҳатларни ва ер участкасини мухофазала килиш буйича зарур тадбирлар бажарилшини тәъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари урнатиш;
 - курилиш таваккалчиларни сугурта килиш;
 - мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш түгрисидаги далолатнома имзоланган кундан башлаб бир ой муддатда курилиши майдонини узига тегиши курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт асоситалари, инжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вактингчалик бинолардан бушатиш;
 - курилиш майдони курикланишини тәъминлаш;
 - курилишда таваккалчиларни сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларида бири билан таваккалчиларни сугуртаси түгрисида шартнома тузди ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бояртмачига тақдим килади.
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулук хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудларини кафолатлаган 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилшиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумни ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнителная документация) тулук хажмда тақдим килади.
10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур гарзда бажарилшиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулук мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши туталлангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан туталланган ишларни қабул килиб олишини таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларни ун кун муддатда куриб чикиш ва карор қабул килиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига I-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни қабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулук ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулук мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уви имзолаган пайтдан бошлаб кучга кяради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Курилиш ишлари бажариш муддати 30 календар кунни ташкил этади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утказади, бу **60 600 000 сум**

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул килингандан кейин ҳаккий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга ошириади.

20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши ҳаражатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатта ҳак тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошقا ҳаражатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойиниг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, ҳаражатлари тутрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тутрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тушиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва ҳаражатларини текшириб қабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва ҳаражатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан гузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тутрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускунарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишнинг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгаади.

26. Пудрагчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудрагчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни ҳал килиш буйича йигилишларда мунтазам равища катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-булимидаги курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равища таъсили этади.

28. Пудрагчи Буюртмачининг манбаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четта чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатизи бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажарига мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатизи бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечиниси оқибатида етказилган заарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар туталлангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутуа ишларни бориши. Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятта эта булган ҳоллар ва холатлар (ишларни бошланганини ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслини билан болгик тухтаб колишилар, курилиш техникининг ишдан чикиши тутрисидаги маълумотлар, шунингдек курилиши туталлашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдаларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарida уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша курсатилган камчиликларни 3 кун муздатда бартараф этиш чоратдабирларни куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА МАЪСУЛИЯТИ.

31. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Узбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тутрисида"ти конун талабларига сўзсиз амал қиласди.

32. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари уз мажбуриятларини бажариш жараёнинда ушбу шартнома буйича мажбуриятларни уз зиммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида конун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

33. Тарафлар Узбекистон Республикасининг коррупсияга карти кураштп соҳасидаги амалдаги қонуя қужжатлари таълабларига риоя этипти баробарилади куйидагиларга йул қўймаслик мажбуриятини оладилар: - пора бериш, шунингдек ушбу жиноятта воситачилик килиш; - товламачилик, ёки бошка ноконуний йўллар билан пора олинига улдаш; - пора олинига бевосита ёки бильосита розилик берити.
34. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг хар кандай шаклини рад етадилар. жумладан:
- Тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан тул маблаглари олиш, совгала бериш, уларга белул хизматлар курсатиш ёки ишларни бажариши ушбу харакат(харакақизлиқ)ни амалга опирган ходим ёки ваколатни вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига хар кандай харакатни бажариши;
35. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга нокулайликлар туддириб, коррупсиявий омили пайдо булишига бевосита ҳамда билвосята сабабни булиш тақиқланади.
36. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя килемаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир булган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 7.1-бандида белгилантан коидалардан бири содир этилганда ушбу харакат содир йетилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Узбекистон Республикасининг коррупцияга карши кураштп соҳасидаги ваколатни давлат органларига мурожаат қиласидилар.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

37. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида кеслиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек утибу ҳолатлар юзага келтирган вактта мутаносиб равишда узайтирилади.
38. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан күп вактта чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириши ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киласидилар.
39. Агар томонлар икки ой ичиде келинига олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килишини талаб киласидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

40. Пудратчи:
- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгилантан муддатларда бажарилишини;
 - лойиха ҳужжатларига ҳамда курилиш месъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
 - узи томонидан курилиш учун кулганиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - ишларни кабул килиши ва объектдан фойдаланишининг кафолатни даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф киласини;
 - обьектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускупаларнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди. Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиши муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлами даалолатномасида кайд этилади. Агар Пудратчи бажаришган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичига бартараф этиласа, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солити хукукига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

41. Буюртмачи:
- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирилаш бошлананиши Буюртмачига boglik булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан күп вактта кечирилганда;
 - ишларни тутатиппинг мазкур шартномада белгилантан муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганди;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш месъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишга олиб келадиган даражада бузилганда:
- конун ҳужжатларига мувофик боника асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
42. Пудратчи:
- ишларнинг бажарилиши Пудрагчига boglik булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатта тухтатиб кушишганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялштириш шартлари умуман бажарилмаганди;
- конун ҳужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
43. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудрагчининг кушма карорига кура туталланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.
44. Мазкур шартномани бекор килишига карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
45. Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.
46. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йул куйилмайди, конун ҳужжатларидан назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

47. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон: Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Узбекистон Республикаси «Хужалик юртүвчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги конунида, бошка конун ҳужжатларидан ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплайди.
48. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишили иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганилиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар булади ва:
- белгилантан муддатда обьектни иш бошлиш учун шудрагчига тошишимаса далолатнома буйича бунинг оқибатидан ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулайди;
 - буюртмачининг хисоб ракамига максади молиялштириш учун тушган тулайди;
 - шартномага муофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар хажмини асосиз равишда кабул килиб тасдиқлашдан бош тортиши учун ушбу кабул килиш, тасдиқлашдан бош тортиши сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;
 - шартномага муофик шартларига тайёр холда кабул килиш учун тақдим килинган обьектни асосиз равишда кабул килишдан бош тортиши сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;
49. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишили иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкий жавобгар булади ва:

- Йилларни бажариш жадвалида белгиланганда кам хажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидаги хар кечикитирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тулади.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишили тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойининг охирги кунига кадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулади;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса , бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулади;

- Объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишига топширмаса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулади;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдалашувчи ташкилотлар ва илчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик булмаган) муддатда бартараф килмаса улубу аниқланган камчиликлар, пуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулади.

50. Агарда томонлардан бирни уз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон ракамларини, корхона атамаси ёки макомини нотугер берса ва узгарганлиги тутрисидаги маълумотни уч календар кунда иккичи тамонга ёзма хабар бермаса айборд томон иккичи томонга шартнома баҳосининг 0,1% микдорида жарима тулади.

51. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор килишга тугри келса, айборд томон иккичи тамонга барча заарларни коплайди, амалдаги конунларда белгиланган тартибда.

52. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб туладиган неустойка, штраф ва пенилари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.

53. Тамонлар неустойка, жарима, пена каби мулкий талабларини далолатнома асосида толов талабномаси буйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

54. Шартномани бажаришда ва бекор килипда ёки узгартиришда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат килишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзоланганда кам келипда ёки узгартиришда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган барча оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукогади.

56. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохиди кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субподретчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукита эга булмайди.

57. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакиқий хисобланади.

58. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

59. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якуплангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тушашни кечикитиришга хаклидир.

60. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси мөърий-конун хужжатларига К.К.С. түгрисида узгартиришлар киритилса кайта куриб чинилади.

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.

62. Мазкур шартнома Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначилик бўлнимларидан рўйхатдан кундан боғлаб конуний кучга киради.

63. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

64. Шартномани амал килиш мuddати «31» Декабр 2022 йилгача.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

«Сайхун курилиш» ХК	Хазорасп туман мактабгача талими булими
Манзили: Хонка тумани Мадир кишлоғи	Манзили: Хазорасп тумани Э Гаязов 6-уи
Тел/факс: +998995004474	Тел/факс: 62 33 25 279
х/р: 2020800000448973001	ш/х 100022860332207091100251021
ИНН: 303248621	ИНН 305 174 254 ОКОНХ:
ОКОНХ: 41121	Молия Вазирлиги Газначилиги
Банк: «Микрокредит» Хонка.Филиали	Фазна х/в : 23402000300100001010
МФО: 00549	Банк : Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО : 00014 ИНН: 201122919



С.Худайберганов

М.У.

Х Абдирасулов



Хукукшунос

«_____»

(имзо)

(ФИЛ)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

- 1. Loyihaning turi:** Shartnoma
- 2. Loyihaning nomi:** Binoni joriy ta’mirlash to’grisida.

3. Hazorasp tumani maktabgacha ta’lim tashkiloti bo’limi nomidan keying o’rinlarda “Buyrtmachi” deb yuritiladi nizom asosida ish yurituchi mudiri X. Abdurasulova bur tomondan, keying “pudratchi deb yuritiladi “Sayxun qurilish” nomidan nizom asosida ish ko’rvuchchi S. Xudayberganov ikkinchi tomondan Hazorasp tumani maktabgacha ta’lim bo’limiga qarashli 1 son MTB binosini joriy ta’mirlash uchun umumiy summasi 202 000 000 (ikki yuz ikki million) sumlik shartnoma loyixasi ishlab chikkanlar.

4. Mazkur shartnoma loyixasi Hazorasp tuman maktabgacha ta’lim tashkiloti bo’limi tomonidan ishlab chikilgan va 2022 yil 30 sentyabr kuni Hazorasp tumani yuridik xizmat ko’rsatish markaziga yuborilgan.

Mazkur shartnoma loyixasi amaldagi qonun xujjalariiga muvofik ishlab chikilgan va uni qabul qilish maksadga muvofik.

Hazorasp tumani yuridik xizmat

ko’rsatish markazi bosh yurisko’nsulti

3 darajali adliya maslahatchisi

2022 yil “04” oktyabr.



I. Xudaynazarov